

Тасодифан рўй берган воқеа умумий қоида бўла олмайди



09:00 / 28.05.2022 3502

Милоддан аввалги учинчи асрда яшаб ўтган Хитойлик файласуф Хан Фей Цзи айтади:

«Сонгда бир деҳқон бўлиб, у ўзининг даласида ер ҳайдаб деҳқончилик қилар эди. Унинг ерининг қоқ ўртасида жуда катта дарахт бор эди. Бир куни ёввойи қуён тез югуриб келиб ўша дарахтга урилди ва бўйни синиб ўлди. Деҳқон осон топилган таомдан жуда хурсанд бўлди. Шу лаҳзадан бошлаб омочини бир четга ташлаб дарахтга бошқа бир қуён келиб урилишини кута бошлади. У жуда узоқ вақт кутди. Ишламагани учун даласига талофат етди. Аммо бирорта қуён келиб дарахтга урилмади. Одамлар уни масхара қила бошлашди. Унга «қуён кутувчи» дея лақаб қўйишди!».

Аслида «тасодиф» деган сўзни унчалик ёқтирмасамда, бир марта тасодифан рўй берган воқеа умумий қоида бўла олмайди. Мисол учун сиз ишга кетаётиб йўлдан ҳамён тўла пул топиб олсангиз ва у пул сизнинг кундалик топадиган даромадингиздан кўп бўлса дарров ишдан бўшаманг. Ҳар куни ўша йўлларга бориб ҳамён тушишини кутиб термилиб ўтирманг!

Бу дунё сабаблар дунёсидир. Оқил инсон қўлидан келганича сабабларни тутиб ишончини Аллоҳга боғлайди. Сабабларни ташлаб ишончни Аллоҳга боғлаш эса Аллоҳнинг борлиқдаги қонунини нотўғри англашдир!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилмоқчи бўлганларида ўзларига йўл кўрсатувчини ҳамроҳ қилиб олган эдилар. Агар кимдир иймони ва ақидасини сабаб қилиб кўрсатиб моддий сабабларни тарк қилиши лозим бўлганида эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарк қилган бўлар эдилар. Башариятдан ҳеч бир кишининг иймон ва ишончи Набий алайҳиссаломнинг иймон ва ишончлари каби бўлмаган!

Уҳуд жангида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир эмас, икки қават совут кийдилар. Аслида у киши совут ўлимни қайтара олмаслигини билар эдилар. Аммо сабабларни тутиш Аллоҳга бўлган таваккулнинг энг юқори чўққиси эканлигини, сабаблар таваккулга зид эмаслигини Набий алайҳиссалом яхши билар эдилар!

Абдулқодир Полвонов